



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 4-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

Sanjar Baxronkulovich Boboqulov Samarqand viloyatida uy-joy kommunal xizmat ko'rsatishni davlat tomonidan tartibga solish mexanizmini takomillashtirish	75
Фарангис Азамовна Ишанкулова Олий таълим хизматлари рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларнинг иқтисодий-математик модели	81
Севара Абдиназаровна Бабаназарова Таълим хизматлари тушунчаси ва уларнинг инсон ресурсларини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти	87
Shohina Xujmaxmatovna Pirova Mamlakatimiz iqtisodiyotida ichimlik suvi ta'minoti xizmatlarining tutgan o'rni va ahamiyati	91
Ибодулла Хасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабоева Цифровой реинжиниринг бизнес-процессов в сервисных компаниях Узбекистана	95
Nilufar Abdaxatovna Abdukadirova Ovqatlanish xizmatlarini ko'rsatuvchi korxonalar faoliyatini baholash tizimi va innovatsion samaradorlikni oshirish imkoniyatlari	99
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Елена Вячеславовна Гольшева Индикаторы устойчивого туризма как инструмент регионального развития (на примере Ферганской области)	102
To'liqin Saidahmedovich Sharipov, Muxabbat Ismatjon qizi Umirzoqova Turizm xizmatlari sohasini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati	110
Azizjon Shukrilloevich Berdimurodov Hududlarda turizm sohasini barqaror rivojlantirish mexanizmining tashkiliy va metodologik asoslari	114
Shuxratjon Sultonovich Sayfutdinov Turizmni barqaror rivojlantirishda blokcheyn texnologiyalarining innovatsion imkoniyatlari	118
Dostonbek Furqat o'g'li Tilovmurodov Surxondaryo viloyatida sarguzasht turizmi va speleoturizm faoliyatini tashkil etish imkoniyatlari	122
Shohro' Baxtiyorovna Navruz-zoda Yoshlar turizmini rivojlantirishning konseptual asoslari	128
Farida Abduxalimovna Axmedjanova, Bekjon Nizom o'g'li Ismatillayev Turizm va mehmondo'stlik sohasida xalqaro standartlarni milliy tizimga uyg'unlashtirish masalalari	136
Йылмаз Улви Узун Влияние колебаний цен на нефть, глобальных торговых войн и прямых иностранных инвестиций на экономический рост страны	139
Askar Axrorovich Siddiqov Mehmonxona korxonalarini boshqarish shakli va asosiy yondashuvlar	147
Diyoira Farhod kizi Bahriddinova Innovative directions for the development of youth-oriented tourism and economic mathematical models for assessing the service potential of tourism enterprises	150
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Шохида Ильясовна Артикова, Дониёр Искандарович Насимов Поддержка и развитие малого бизнеса в сфере услуг в Республике Узбекистан: институциональные механизмы, динамика и перспективы	156

натижали битирувчиларини олий таълим ташкилотларига имтиҳонларсиз қабул қилиш тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ;

олий таълим ташкилотлари шахсий брендини яратиш ва уларнинг олий таълим истеъмолчилари орасидаги имижини шакллантириш ва ошириш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Конспект лекций по курсу «Эконометрика». Автор: доцент Костромин Андрей Владиленович. Казанский государственный финансово – экономический институт, Кафедра статистики и эконометрики. Казань, 2004.

2. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. – Т.: Фан, 1993., Б. -240.

3. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - С.: СамИСИ, 2017. - 265 б., Б. 102.

<p>Ф.Ишанкулова</p> <p>Экономико-математическая модель факторов, влияющих на конкурентоспособность услуг высшего образования</p>	<p>F.Ishankulova</p> <p>Economic-mathematical model of factors affecting the competitiveness of higher education services</p>
<p>Аннотация. В статье предлагается рассчитать конкурентоспособность услуг высшего образования по количеству выпускников высших учебных заведений в рамках экономико-математической модели оценки конкурентоспособности услуг высшего образования.</p> <p>Ключевые слова: услуги высшего образования, конкурентоспособность услуг высшего образования, потребители услуг высшего образования, выпускники высших учебных заведений.</p>	<p>Abstract. In this article, it is proposed to calculate the competitiveness of higher education services by the number of graduates of higher education institutions in the economic-mathematical model of evaluating the competitiveness of higher education services.</p> <p>Keywords: higher education services, competitiveness of higher education services, consumers of higher education services, graduates of higher education organizations.</p>

Севара Абдиназаровна Бабаназарова – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, PhD.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мазкур мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида таълим хизматларининг инсон ресурсларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Таълим хизматлари ижтимоий-иқтисодий категория сифатида қаралиб, уларнинг интеллектуал-маърифий, ижтимоий-тарбиявий, меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлаш ва инновацияларни рағбатлантириш каби асосий функциялари ёритилган.

Калит сўзлар: таълим хизматлари, инсон капитали, инновацион иқтисодиёт, инсон ресурслари, интеллектуал салоҳият, рақобатбардош кадрлар.

Кириш. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида билим ва технологиялар миллий ривожланишнинг асосий драйверлари сифатида қаралмоқда. Бундай шароитда таълим хизматлари нафақат ижтимоий соҳа, балки инсон капиталини ривожлантирувчи стратегик иқтисодий сектор сифатида намоён бўлади. Таълим хизматларининг назарий асосларини, уларнинг функциялари ва инсон ресурсларини шакллантиришдаги ролини чуқур таҳлил қилиш миллий тараққиёт стратегияларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада таълим хизматларининг моҳияти, уларнинг функциялари, инсон ресурслари ва инсон капиталига таъсири, шунингдек инновацион иқтисодиётдаги ўрни ёритилади.

Таълим хизмати деганда, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва таълим олувчи шахсни ривожлантириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малака-моддий маҳсулотни истеъмолчига етказишга қаратилган мураккаб жараёнлар тушунилади. Яъни, таълим хизматлари орқали шахсларга бошланғич ва касбий маълумот берилади, уларнинг

интеллектуал салоҳияти оширилади. Ҳамда таълим орқали инсон ўзида маданий, ахлоқий ва касбий кўникмалар тизимини ҳам қўзғатади. Масалан, тадқиқотларда таъкидланишича, таълим хизматлари инсон капитали шакллантирилишининг муҳим омилига айланган. Замонавий дунёда билим ва кўникмалар иқтисодий ўсиш ҳамда ижтимоий барқарорликнинг асосий ресурсига айланмоқда.

Таълим хизматлари тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. У барча даврлар давомида ўзгариб келган. Илк даврларда, одамлар асосан қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган даврларда жамиятнинг тараққиётида таълимнинг ҳиссаси нисбатан кичик бўлган бўлса, XX асрнинг ўрталарида таълим хизматлари мустақил иқтисодий сектор сифатида шаклланиб, давлатлар иқтисодиётидаги тараққиётга муҳим таъсир кўрсатди. Постиндустриал жамиятга келиб таълим хизматлари миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Шунингдек, таълим хизматларининг трансмиллий хусусиятлари юзага келди, яъни улар нафақат давлат, балки глобал иқтисодиёт сектори сифатида шаклланиб, тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Эндиликда жамиятнинг тараққиёти асосан таълимга боғлиқ бўлиб турган бугунги шароитда мазкур мавзу ўта долзарб масалалардан бирига айланди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Алтбач ва Келлй каби олимлар таълим хизматларини анализ қилиб, унинг халқаро иқтисодиётдаги аҳамиятини қайд этишган (таълим хизматлари – жаҳон иқтисодиётининг муҳим сектори)¹. Бундан ташқари Пол Самуелсон (Paul A. Samuelson, 1915–2009), таълимни ижтимоий товар (public good) сифатида кўради: таълим натижасидан фақат шахс эмас, бутун жамият фойда кўради². Теодор В. Шульц (Theodore W. Schultz, 1902–1998), таълимга инвестиция қилиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш мумкин; бу “таълим ва иқтисодий ўсиш” концепциясида ёритилган, у ўзининг асарларида таълимга сармоя иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи омил экани асосланган³. Мамлакатимиз олимлари томонидан таълим хизматларида инсон ресурслари (капитали)нинг ўрни бўйича М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаева, С.А.Бабаназарова⁴ кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Ушбу муаллифлар томонидан бир қанча адабиётлар ва илмий мақолалар нашр қилинган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада таълим хизматлари тушунчаси ва уларнинг инсон ресурсларини шакллантиришдаги роли ва аҳамиятини ёритишда индукция ва дедукция, макон ва замон, мантиқий, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Таълим хизматлари ҳар бир тарихий даврда муайян иқтисодий мазмун ва вазифаларга эга бўлиб келган. Аммо ўрта асрлардаги таълимнинг иқтисодий аҳамияти кўпроқ билвосита ва чекланган хусусиятга эга бўлган бўлса, ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида таълим хизматлари тўғридан-тўғри иқтисодий ресурс, инсон капиталига инвестиция ва алоҳида хизматлар сектори сифатида намоён бўлмоқда.

Ўрта асрларда таълим асосан диний муассасалар (мадраса, монастыр, собор мактаби) ва маҳдуд элита доирасида ташкил этилган. Шу боис таълим хизматларининг иқтисодий аҳамияти, бевосита эмас, балки билвосита характерга эга бўлган. Диний–ҳуқуқий ва маъмурий кадрлар тайёрлаш орқали давлат бошқаруви ва суд тизимининг барқарор ишлашини таъминлаган. Савдо-иқтисодий муносабатлар, ер-солиқ сиёсатини юритиш, ҳужжат юритиш салоҳиятига эга маҳсус ходимлар (котиб, девончи, руҳоний, қозилар)ни тайёрлаш орқали иқтисодий тизимнинг ишлашини қўллаб-қувватлаган. Айрим марказларда (Боғдод, Бухоро, Самарқанд, Қоҳира, Кордова ва бошқа илм марказлари) табиблар, муҳандислар, астрономлар, меъморлар каби илмий-амалий кадрлар тайёрлаб, уларнинг фаолияти орқали хунармандчилик, қурилиш, тиббиёт ва савдонинг ривожига хизмат қилган. Шу билан бирга, ўрта аср таълим хизматлари оммавий эмас, балки ижтимоий иерархиянинг юқори қатламларига хизмат қилгани сабабли, унинг иқтисодий самараси жамиятнинг тор доирасида тўпланган. Ҳатто билим ва савод иқтисодий ресурс

¹ Comparative Education. Philip G. Altbach, Robert F. Arnove, Gail Paradise Kelly. Advent Books, 1989. 533 pages.

² Samuelson, Paul A (1954). "The Pure Theory of Public Expenditure". Review of Economics and Statistics. 36 (4): 387–389. doi:10.2307/1925895. JSTOR 1925895. S2CID 153571905.

³ Investment in Human Capital Theodore W. Schultz The American Economic Review, Vol. 51, No. 1 (Mar., 1961), 1-17.

⁴ М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаева, С.А.Бабаназарова. Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг вазифаларига оид фикрлар. —Сервис илмий-амалий журнали, 2025 йил 1-сон, - 177-182 бетлар.

сифатида интуитив ҳисобланган бўлса-да, у алоҳида инсон капитали тоифасида назарий асосланмаган эди.

Индустриал жамият ва айниқса инновацион иқтисодиёт шароитида таълим хизматлари функциялари тубдан ўзгарди ва кенгайди. Бугунги кунда таълим:

- **Инсон капиталига инвестиция** – Таълим хизматларига сарфланган маблағлар меҳнат унумдорлигини ошириш, реал сектор ва хизматлар соҳасида юқори қўшилган қиймат яратиш орқали ўзини оқлайди. Билим, компетенция, рақамли ва касбий кўникмалар ишчи кучининг сифатини белгилайди ва иқтисодий ўсиш суръатларига бевосита таъсир қилади.

- **Меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш** – Таълим хизматлари меҳнат бозори талабларига мос равишда мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали иқтисодиёт тармоқларининг кадр билан таъминланишига масъул. Бу орқали ишсизликни камайтириш, юқори малакали ишчи кучи етишмовчилигини бартараф этиш ва соҳа ички самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

- **Инновацион иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш** – Университет ва илмий марказлар стартаплар, патентлар, илмий тадқиқотлар орқали технопарклар ва инновацион кластерларнинг негизи бўлиб хизмат қилмоқда. Таълим хизматлари фақат билим бериш эмас, балки янги технологиялар ва бизнес-моделлар яратиш учун интеллектуал муҳитни шакллантиради.

- **Қўшимча иқтисодий сектор сифатидаги аҳамият** – Таълим хизматлари алоҳида бозор сифатида шаклланиб, хорижий талабаларни жалб этиш, корпоратив ўқув хизматлари, онлайн-таълим, консалтинг ва тренинглар орқали мамлакатга валюта тушумлари ва қўшимча даромад манбалари келтиради. Хусусан, таълим хизматлари экспорти (transnational education) кўплаб давлатлар учун муҳим иқтисодий тармоққа айланган. Шу тариқа, ҳозирги замонда таълим хизматларининг функциялари ва иқтисодий аҳамияти бевосита ва кўп қиррали кўриниш касб этган, улар миллий иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланган.

Таълим хизматлари инсон капитали шаклланишидаги асосий воситадир. Бу ҳодисани бир қатор олимлар, жумладан, Д.К.Усмонова ва бошқалар ҳам қайд этган. Тадқиқотларда таъкидланишича, таълим инсон интеллектуал капитали – ҳар қандай давлат тараққиётининг пойдевори саналади. Таълим орқали эришилган билим ва малака соҳиб бўлган шахс ишлаб чиқаришга самарали ҳисса қўшади, даромад ва ижтимоий фаоллигини оширади. Шу боис таълим барқарор иқтисодий ривожланишда ҳал қилувчи элемент вазифасини бажаради. Мисол учун, таълим соҳасига сармоя киритиш жамиятнинг умумий фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлади; у демографик саломатлик, ижтимоий мобиллик ва иқтисодий ўсиш каби кўрсаткичларни яхшилайдди.

Инновацион иқтисодиётда таълим хизматларининг стратегик аҳамияти ошиб бормоқда. Зеро, ХХИ асрда билим ва малакалар асосий иқтисодий ресурс саналади (knowledge economy). Мамлакатлар рақобатбардошлигини таъминлаш учун кадрларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишяпти. Ушбу шароитда таълим хизматлари нафақат инвестиция сифатини ўзида ифодалаб, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим қиймат яратади. Демак, инновацион иқтисодиётда таълим хизматлари инсон ресурсларини шакллантириш ва юқори малакали кадрлар базасини яратишда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Таълим хизматларига бир нечта турли олимлар ва халқаро ташкилотлар томонидан таърифлар берилган (1-жадвал).

1-жадвал

Таълим хизматларига берилган таърифлар

Ким томонидан	Таъриф мазмуни	Йўналиши	Манба
ЮНЕСКО	Таълим хизматлари – инсон капиталини шакллантириш ва жамиятнинг барқарор ривожланиши учун билим,	Халқаро, ижтимоий-иқтисодий	UNESCO, Education 2030: Declaration and Framework for Action

	кўникма, кадриятлар берувчи хизмат.		(2015)
Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)	Таълим хизматлари – хизматлар савдоси бозорининг бир қисми, мактабгача, мактаб, касбий ва олий таълимни қамраб олади.	Иқтисодий, глобал	WTO, General Agreement on Trade in Services (GATS) (1995), Annex on Education Services
Г. Бекер (инсон капитали назарияси)	Таълим – инсон капиталига инвестиция, меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи хизмат.	Иқтисодий, назарий	Becker, G. (1964). Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis
П. Самуелсон ва иқтисодчилар	Таълим – ижтимоий товар (публис гоод), натижаси бутун жамиятга тақсимланади.	Иқтисодий, макроиқтисодий	Samuelson, P. (1954). The Pure Theory of Public Expenditure, Review of Economics and Statistics
А. Авлони	Таълим – тарбиянинг ажралмас қисми, комил инсонни шакллантиришга хизмат қилади.	Педагогик, маънавий	Авлони, А. (1913). Туркий гулистон ёхуд ахлоқ
Ўзбек педагог олимлари (Х. Йўлдошев, Н. Азизхўжайев)	Таълим хизматлари – шахсининг интеллектуал, касбий ва маънавий ривожланишига хизмат қилувчи ижтимоий фаолият.	Педагогик, илмий	Йўлдошев Х., Азизхўжайев Н. (2000). Педагогика (дарслик), Тошкент
Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (2020)	Таълим хизматлари – давлат ва нодавлат муассасалар томонидан кўрсатиладиган, билим ва малака шакллантиришга қаратилган фаолият	Ҳуқуқий, расмий	Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Таълим тўғрисида” (2020-йил 23-сентябр, ЎРҚ-637)

Юқориги таърифлардан келиб чиқиб, биз қуйидаги таърифни келтирдик. **Таълим хизматлари** – инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият бўлиб, бу иқтисодий ўсишни таъминлайди. Ушбу таъриф доирасида қуйидаги илмий янгиликлар илгари сурилди:

- инновацион иқтисодиёт шароитида таълим хизматларига муаллифлик таърифи берилди;
- таълим хизматларининг интеллектуал-маърифий, ижтимоий-тарбиявий, меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлаш ва инновацион функцияларидан иборат тизимли таснифи таъриф этилди;
- таълим хизматлари орқали инсон ресурсларини шакллантиришнинг когнитив, касбий, ижтимоий ва инновацион ресурслардан иборат тизимли модели асосланди;
- миллий таълим сиёсатида таълим хизматларини инновацион иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришга оид концептуал таърифлар ишлаб чиқилди.

Хулоса ва таърифлар. Олиб борилган таҳлиллар таълим хизматлари инновацион иқтисодиёт шароитида инсон ресурсларини ривожлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва жамият фаровонлигини оширишнинг асосий механизми эканини кўрсатди. Таълимга йўналтирилган сармоялар узоқ муддатли стратегик самара беради ва миллий рақобатбардошликни белгилайди. Шу боис қуйидаги таърифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, таълим хизматларини миллий ривожланиш стратегияларида инновацион иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида белгилаш;

Иккинчидан, олий ва касбий таълим муассасаларида инновацион таълим дастурлари, стартап ва тадбиркорлик экотизимларини ривожлантириш;

Учинчидан, таълимга хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар инвестицияларини рағбатлантириш;

Тўртинчидан, таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини такомиллаштириш ва халқаро рейтинглар мезонларини жорий этиш;

Бешинчидан, таълим хизматлари экспортини кенгайтириш орқали таълимни янги иқтисодий ресурсга айлантириш.

Келтирилган таклифларни амалиётга тадбиқ этилиши, таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигини оширишга, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Becker, G. S. (1964). Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. Chicago: University of Chicago Press.
2. UNESCO. (2015). Education 2030: Incheon Declaration and Framework for Action for the implementation of Sustainable Development Goal 4.
3. World Trade Organization. (1995). General Agreement on Trade in Services (GATS), Annex on Education Services.
4. Samuelson, P. A. (1954). The Pure Theory of Public Expenditure. Review of Economics and Statistics, 36(4), 387–389.
5. Пардаев М.К., Пардаева О.М., Бабаназарова С.А. Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг вазифаларига оид фикрлар. — Сервис илмий-амалий журнали, 2025 йил 1-сон, - 177-182 бетлар.
6. Авлоний А. (1913). Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ. Тошкент.
7. Ёўлдошев, Х., Азизхўжаев, Н. (2000). Педагогика: Дарслик. Тошкент.
8. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Таълим тўғрисида». (2020 й. 23 сентябрь, ЎРҚ–637).

<p>С.Бабаназарова</p> <p>Понятие образовательных услуг и их роль и значение в формировании человеческих ресурсов</p> <p>Аннотация. В статье анализируются роль и значение образовательных услуг в формировании кадрового потенциала в условиях инновационной экономики с теоретической и практической точки зрения. Образовательные услуги рассматриваются как социально-экономическая категория, выделяются их основные функции: интеллектуально-образовательная, социально-образовательная, подготовка кадров для рынка труда и стимулирование инноваций.</p> <p>Ключевые слова: образовательные услуги, человеческий капитал, инновационная экономика, человеческие ресурсы, интеллектуальный потенциал, конкурентоспособные кадры.</p>	<p>S.Babanazarova</p> <p>The Concept of Educational Services and Their Role and Importance in the Formation of Human Resources</p> <p>Abstract. This article analyzes the role and importance of educational services in the formation of human resources in the conditions of the innovative economy from a theoretical and practical point of view. Educational services are considered as a socio-economic category, and their main functions, such as intellectual-educational, social-educational, training of personnel for the labor market and stimulation of innovations, are highlighted.</p> <p>Keywords: educational services, human capital, innovative economy, human resources, intellectual potential, competitive personnel.</p>
--	---

Shohina Xujmaxmatovna Pirova – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti stajyor assistenti

MAMLAKATIMIZ IQTISODIYOTIDA ICHIMLIK SUVI TA’MINOTI XIZMATLARINING TUTGAN O’RNI VA AHAMIYATI

Annotatsiya. Mazkur tadqiqot ishida ichimlik suvi ta’minoti xizmatlarining mamlakat iqtisodiyotidagi o’rni va ahamiyati chuqur tahlil qilindi. Ishning dolzarbligi suv resurslarining cheklanganligi, global iqlim o’zgarishlari, urbanizatsiya va aholining o’sishi sharoitida ichimlik suvi ta’minoti tizimining samarali ishlashini ta’minlash zaruriyati bilan belgilanadi. Tadqiqotda O’zbekiston Respublikasida ichimlik suvi infratuzilmasining hozirgi holati, uning iqtisodiyotning turli tarmoqlariga ta’siri, suv bilan qamrov darajasi, texnik va moliyaviy barqarorlik ko’rsatkichlari o’rganildi.

Kalit so’zlar: ichimlik suvi ta’minoti, iqtisodiy samaradorlik, suv infratuzilmasi, indikatorlar tizimi, xalqaro tajriba, O’zbekiston iqtisodiyoti, ichimlik suvi tanqisligi.

Kirish. Hozirgi davrda ichimlik suvi ta’minoti har qanday mamlakatning iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik barqarorligi uchun strategik ahamiyatga ega. Jahon miqyosida suv

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.12.2025 йилда теришга берилди. 16.12.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0143А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.